




МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ:  
ТАДҚИҚОТ,  
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА  
ВА ТАВСИЯЛАР



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН  
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ  
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА  
ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

# МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ: ТАДҚИҚОТ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ТАВСИЯЛАР

*Методик қўлланма*



**УЎК: 378.091.313**

**КБК: 74.4**

**М - 23**

**Маматкулов , С.**

Мустақил таълим: тадқиқот, хорижий тажриба ва тавсиялар [Матн] : методик қўлланма / С. Маматкулов. – Тошкент: "Sano-Standart", 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-9096-7-0

Ушибу үслубий қўлланмада республика бўйича 25 мингдан ортиқ талаба ва 1000 дан ортиқ профессор-ўқитувчиларнинг мустақил таълим ҳақидағи фикрлари асосида тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бирга, илғор хорижий тажриба ўрганилган. Амалга оширилган тадқиқот асосида үслубий тавсиялар ишилб чиқилган.

Мазкур үслубий қўлланма олий таълим муассасаларининг раҳбар ҳодимлари ҳамда профессор-ўқитувчилар учун мўлжалланган. Шунингдек, қўлланмадан ўрин олган эмпирик тадқиқот натижалари, таҳлил ва хуносалардан олий таълим масалалари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар ҳам фойдаланиши мумкин.

**Таҳрир ҳайъати:**

Ш.Якубов, М.Эсанов, Т.Аҳмедов,  
А.Эшмуродов, С.Мусамедов, А.Сабриев

**УЎК: 378.091.313**

**КБК: 74.4**

Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-үслубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йигилиши баёни ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли бўйруги билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9096-7-0

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

## КИРИШ

Ҳозирги тараққиёттинг асосий мақсадларидан бири ҳар томонлама етүк, рақобатбардош, қўйилган муаммони мустақил ҳал қилиш лаёқатига эга, ўз устида мунтазам ижодий ишлаб борадиган мутахассислар тайёрлашдир. Бу хусусиятларга эга бўлган кадрларни тайёрлашда мустақил ишларни ташкил қилиш алоҳида ўрин тутади, чунки ахборот ва билимлар доираси жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги кунда ҳамма маълумотларни фақат дарс машғулотларида бериб бўлмайди. Қўйилган муаммо ва вазифалар бўйича маълум ечимга келиш ҳамда унинг оптималь вариантини танлаш учун керакли бўлган мустақил фикрлаш кўнкимаси мустақил ижодий ишлаш жараёнида шаклланади ва мустаҳкамланиб боради.

Агар жаҳонда кечачётган кадрлар тайёрлашнинг асосий тенденцияларига эътибор қаратсан, рақобатбардошлик кадрлар тайёрлашга қўйилаётган энг асосий талаб бўлиб бораётганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ҳозирги замон мутахассисининг шиддатли рақобат дунёсида ўз ўрнига эга бўлиши нафақат унинг ўзлаштирган билим даражасига, балки ўз устида мунтазам ишлаш кўнкимларига, мустақил қарор қабул қилиш салоҳиятига ҳам боғлиқ. Шу боис ҳам узоқ муддат ҳукмронлик қилиб келган “таълим – бир умрга” ғояси ўз аҳамиятини йўқотиб “таълим – бутун умр давомида” ғояси кадрлар тайёрлашнинг мухим тамойилига айланиб бормоқда. Айни мана шу заруратдан келиб чиқиб, мамлакатимиз олий таълим тизимида мустақил фикрловчи кадрлар тайёрлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида” кадрлар тайёрлашдаги мавжуд муаммолар қаторида “талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўнкимлари шакллантирилмаган” и алоҳида таъкидланган. Шундан келиб чиқиб, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш стратегик мақсад сифатида белгилаб олинди.

Талабаларни мустақил ва ижодий фаолиятга йўналтириш, уларни зарур билим ва кўнкимларни эгаллашга бўлган масъулиятини ошириш, олий таълимда белгиланган маълум бир меъёларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Бу борада зарур қадамлар қўйилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ

тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 824-сон Қарори билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларида ўқув жа-раёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида низом"да мустақил ишларга ажратиладиган соатлар миқдори оширилиб, унинг улуши бакалавриатда умумий ўқув юкламасининг 50-60 фоиз, магистратурада эса 60-70 фоизни ташкил этиши белгилаб қўйилди. Белгиланган мазкур тартиб олий таълим муассасаларида талабалар мустақил ишини самарали ташкил этиш ва назорат қилиш механизмини тубдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мазкур методик қўлланма айни шу заруратдан келиб чиқиб, олий ўқув юртларида талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилишнинг жорий ҳолатини ўрганишга қаратилган социологик сўров натижалари ва уларнинг таҳлили, аниқланган ютуқ ва камчиликлар, илғор хорижий тажриба асосида ушбу фаолиятни такомиллаштиришга оид тавсияларни ўз ичига олади. Қўлланма олий таълим муассасалари ректорлари, ўқув ишлари бўйича проректорлари, ўқув-услубий бошқарма бошлиқлари, кафедра мудирлари ҳамда профессор-ўқитувчиларига мўлжалланган.

## ТАДҚИҚОТ ВА ТАХЛИЛ


Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илфор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан олий таълим муассасаларида талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича мавжуд муаммоларни ўрганиш, шу асосда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида тадқиқот ўтказилди.

Тадқиқот 2022 йил сентябрь-октябрь ойларида республикадаги олий таълим муассасаларининг жами **25 809 нафар** талабалари ҳамда **1088 нафар** профессор-ўқитувчилари ўртасида социологик сўров шаклида ўтказилди. Унда мустақил ишларни ташкил қилиш ва назорат қилишнинг мавжуд ҳолати бўйича талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг фикри таҳлилий ўрганилди.

Тадқиқотда иштирок этган талабаларнинг **98 фоиз** (**25 303 нафар**)и бакалавриат босқичида, **2 фоиз** (**506 нафар**)и эса магистратура босқичида таҳсил олмоқда. Бу рақам олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бакалавр ва магистратура талабалари умумий сони нисбатига деярли мос келади. Сўровномада иштирок этган талабаларнинг **44 фоиз** (**11 360 нафар**)ини эркаклар, **56 фоиз** (**14 449 нафар**)ини эса аёллар ташкил этиб, уларнинг **93,3 фоиз** (**24 078 нафар**)и 18-24 ёшдаги, **5 фоиз** (**1 287 нафар**) и 25-30 ёшдаги, **1,7 фоиз** (**444 нафар**)и эса 30 ёшдан катта ўрта ёшдаги талабалардан иборат бўлди.

Сўровда тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, бир нечта саволлар билан мурожаат қилинди. Жумладан, “**Сизга дарс берәётган профессор-ўқитувчилар одатда аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил таълим топширикларини қандай шаклда беради?**

**Сизга дарс берәётган профессор-ўқитувчилар одатда аудиториядан  
ташқари бажариладиган мустақил таълим топширикларини  
қандай шаклда беради?**




ради?" деган саволга респондентларнинг 49,8 фоизи "Тақдимот слайдларини яратиш", 26,9 фоизи "Реферат тайёрлаш", 5,8 фоизи "Амалий лойиҳа устида ишилаш" деб жавоб берган бўлса, 4,9 фоизи "Ижодий ишланмалар (кроссвордлар, буклетлар, схемалар)", 2,9 фоизи "Медиа материаллари тайёрлаш", 2,3 фоизи "Муаммоли вазиятларга ечим топиш (кейслар, каз-улслар)", 1,9 фоизи "Хорижий адабиётлар билан танишиш", 1,6 фоизи "Тезислар ёзиш", 1,4 фоизи "Эмпирик тадқиқотлар (кузатиш, сўров, эксперимент) ўтказиш", 2,9 фоизи "бошқа" деб жавоб берган.

Жавоблардан маълум бўладики, олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар талабаларга асосан тақдимот слайдлари ҳамда реферат кўринишидаги мустақил иш топшириклиарини берадилар.

**"Сиз мустақил таълимни асосан қандай шаклда ташкил қилинишини маъқуллайсиз?"** деган саволга талабаларнинг 30,9 фоизи "кичик гурӯҳларда бажариладиган амалий лойиҳалар", 28,8 фоизи "кичик тадқиқотлар тақдимоти", 14,3 фоизи "тест саволлари ва рефератлар", 11,8 фоизи "ижодий ишланмалар (буклетлар, деворий газеталар, буклетлар)", 8,4 фоизи "конференция", 4,7 фоизи "адабиётлар каталоги ва қисқача маълумотнома", 3,2 фоиз талаба ҳар хил жавобларни берган.


### **Сиз мустақил таълимни асосан қандай шаклда ташкил қилинишини маъқуллайсиз?**



Жавоблардан кўриниб турибдики, талабаларнинг қарийб 60 фоизи аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишларни амалий лойиҳа ҳамда тадқиқот йўналишида бажаришни хоҳлайдилар. Бу уларда тадқиқотчиликка қизиқиш анча юқори эканлигидан далолат беради.

**"Сизга дарс бераётган профессор-ўқитувчилар мустақил ишингизни баҳолаганда кўпроқ нимага эътибор қаратади?"** деган саволга респондентларнинг 35 фоизи "ижодий ёндашувга", 27,5 фоизи "ишининг оригиналлиги (кўчирilmaganligi)га", 12,3 фоизи "имловий, грамматик

## Сизга дарс берәётган профессор-ўқитувчилар мустақил ишингизни баҳолаганда күпроқ нимага эътибор қаратади?




Ҳамда стилистик жиҳатдан тўғри ёзилганлигига”, 13 фоизи “ишнинг ҳажмига”, 6,9 фоизи “тўғри расмийлаштирилишига”, 3,4 фоизи “ишнинг жозибадорлиги (ташқи кўриниши)га”, 1,9 фоиз респондент эса ҳар хил жавобларни берган.

Демак, профессор-ўқитувчилар талабалар мустақил ишини баҳолашда асосан ижодкорлик ҳамда мустақилликни асосий мезон қилиб олганниклари маълум бўлмоқда.

“Сизгадарс берәётган профессор-ўқитувчилар аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни бажаришингизда сизга маслаҳатлар беришга вақт ажратадими?” деган саволга респондентларнинг 62,9 фоизи “ҳа, тез-тез маслаҳат олиб турман”, 30,3 фоизи “қисман, баъзида вақт ажратади”, 6,8 фоизи “йўқ, ўқитувчи фақат топшириқ беради, маслаҳатга вақти йўқ” деган жавобни берган.


## Сизга дарс берәётган профессор-ўқитувчилар аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни бажаришингизда сизга маслаҳатлар беришга вақт ажратадими?



Жавоблардан күриниб турибдики, аксарият профессор-ўқитувчилар талабалар билан мустақил иш юзасидан мунтазам мулоқотда бўлиб турадилар.


Навбатдаги “Сизга дарс берәётган профессор-ўқитувчилар аудиториядан ташқарида бажарган мустақил ишингиз баҳосини оралиқ ҳамда жорий назорат балларига сингдирадими?” деб берилган саволга талабаларнинг 53,3 фоизи “ҳа”, 24,8 фоизи “баъзилари”, 21,9 фоизи эса “ўйқ” деган жавобни берган.

**Сизга дарс берәётган профессор-ўқитувчилар аудиториядан ташқарида бажарган мустақил ишингиз баҳосини оралиқ ҳамда жорий назорат балларига сингдирадими?**



Ушбу жавоблардан маълум бўладики, профессор-ўқитувчиларнинг ярмидан кўпроғи талабалар бажарган мустақил иш баҳоларини умумий баллга қўшиш орқали рафбатлантиради.

**Сизга дарс берәётган профессор-ўқитувчиларнинг аудиториядан ташқарида мустақил таълимни ташкил этишини қандай баҳолайсиз?**




“Сизга дарс берәётган профессор-ўқитувчиларнинг аудиториядан ташқарида мустақил таълимни ташкил этишини қандай баҳолайсиз?” деган саволга 43 фоиз талаба “аъло”, 33,8 фоизи “яхши”, 15,2 фоизи “қониқарли” деб баҳо берган бўлса, 8 фоиз талаба эса “қониқарсиз” даражада баҳолаган.

Умумий ҳолатда профессор-ўқитувчиларнинг талабалар мустақил ишини ташкил қилиш фаолияти талабалар томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Навбатдаги савол талабаларнинг мустақил ишларни бажаришида академик ҳалоллик тамойилига қанчалик амал қилишини аниқлаш ҳақида бўлди. “Сиз одатда мустақил ишларни ўзингиз бажарасизми?” деган саволга талабаларнинг 73,8 фоизи академик ҳалоллик қоидаларига тўлиқ амал қилишини, 23,5 фоизи баъзиларини ўзи бажариб, баъзиларини эса бошқаларга ёздириши ёки интэрнетдан тайёр ишини олиб топширишини, 2,6 фоизи эса тўлиқ бошқаларга ёздириши ёки интэрнетдан тайёр ишларни олиб топширишини таъкидлаган.


### **Сиз одатда мустақил ишларни ўзингиз бажарасизми?**



Кўриниб турибдики, талабаларнинг қарийб 74 фоизи мустақил ишларни ўzlари бажаради. Шундай бўлса-да, қолган 26 фоиз талабанинг плагиатга қўйл уриши (уларнинг 3 фоизи тўлиқ плагиат асосида ўқимоқда) ҳамда академик ҳалоллик қоидаларини қўпол тарзда бузиши олий таълимдаги жиддий муаммо ҳисобланади.

“Умуман, профессор-ўқитувчилар талабаларнинг аудиториядан ташқарида мустақил таълим олишларига кўпроқ эътибор қаратишлари керак, деб ҳисоблайсизми?” деган навбатдаги саволга 78,9 фоиз респондент “ҳа, мустақил ишлар мен учун ҳам зарур, ҳам қизиқарли” деб жавоб берган бўлса, 21,1 фоизи “йўқ, мустақил иш керак эмас, менга аудитория дарслари маъқул” деган фикрни билдирганлар.


**Умуман ўқитувчилар талабаларнинг аудиториядан ташқарида мустақил таълим олишларига кўпроқ эътибор қаратишлари керак, деб ҳисоблайсизми?**



Демак, талабаларнинг мутлақ кўпчилиги аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишларнинг ўзлари учун зарур эканлигини англа-моқда. Бироқ ҳар 5 та талабадан бирининг мустақил ишларни аҳамиятсиз деб ҳисоблаши уларнинг мустақил ўқиб-ўрганиши ва ўзини ўзи назорат қилишида муайян кўнилмалар ҳамда мотивация етишмаётганидан далолат беради.

Талабалар мустақил ишини ташкил қилишда ОТМларнинг ахборот-кутубхона марказлари алоҳида ўрин тутганлиги боис тадқиқотда талабаларнинг бу борадаги фикрлари ҳам ўрганилди. Хусусан, “Ўзингиз таҳсил олаётган ОТМ кутубхонасига аъзомисиз?” деган саволга 73,9 фоиз тала-

**Ўзингиз таҳсил олаётган ОТМнинг ахборот-кутубхона марказига аъзомисиз?**




ба “ҳа” деб жавоб берган бўлса, **26,1** фоиз талаба “йўқ” жавобини берган.

Шунингдек, **26,2** фоиз талаба ҳафтасига фақат **1 марта**, **18,1** фоиз талаба эса **2 марта** ташриф буюришини айтган. Ҳафтасига **3 марта** ташриф буюрувчилар салмоғи **14,7** фоизни ташкил этган бўлса, бор-йўғи **8,1** фоиз талаба ҳар куни кутубхонага боришини маълум қилган. **32,8** фоиз талаба эса кутубхонага деярли бормайди.

Юқоридаги натижалардан маълум бўлмоқдаки, талабаларнинг дарс-

### **Бир ҳафтада неча бор кутубхонага ташриф буюрасиз?**




дан ташқари фаолиятида, хусусан, мустақил ишларни бажаришида ОТМ кутубхонасининг ўрни ниҳоятда заиф. Ҳар учта талабадан бири кутубхонага бормайди, ҳар **12** талабадан биригина мунтазам кутубхонага ташриф буюради.

Тадқиқотнинг кейинги қисмида республиканинг турли ҳудудларидаги ОТМларда фаолият олиб бораётган **профессор-ўқитувчиларнинг** ҳам фикрлари ўрганилди. Тадқиқотда иштирок этган профессор-ўқитувчиларнинг умумий миқдори **1088** нафардан иборат бўлиб, уларнинг **53** фоизини эркаклар, **47** фоизини дўллар ташкил этди. Шундан **51,8** фоизи **40** ёшгача, **42,7** фоизи **40-60** ёшдаги, **5,4** фоизи **60** ёшдан юқори бўлган респондентлардан иборат бўлди. Респондентлар таркиби илмий даража ва унвонига кўра қўйидагича бўлди: **67,9** фоиз – илмий даражага эга бўлмаган, **26,8** фоиз – фан номзоди ёки *PhD*, **5,2** фоиз – фан доктори ёки *DSc* илмий даражасига эга бўлганлар, шундан **74,5** фоиз – стажёр-ўқитувчи, ўқитувчи ва катта ўқитувчи, **22,1** фоиз – доцент, **3,4** фоиз – профессор унвонидаги педагог ходимлар

Дастлабки савол мустақилишларни ташкил этишусуллари ҳақида бўлди. “Сиз одатда талабаларнинг мустақил ишларини қандай усул ва шаклларда ташкил этасиз?” деган кўп танловли саволга респондентларнинг **62,7** фоизи “*такдимот слайдлари*”, **35,2** фоизи “*реферат*”, **32,3** фоизи “*муаммоли*

вазиятларга ечим топши (Case study)", 26,7 фоизи "ижодий ишланмалар (кроссвордлар, буклетлар, схемалар)", 26,4 фоизи "хорижий адабиётлар билан танишиши", 25,4 фоизи "тезислар ёзиш", 24 фоизи "амалий лойиха устида ишилаш", 23,6 фоизи "медиа материаллар тайёrlаш", 15,5 фоизи "глоссарий (лугат) тузиш", 13,7 фоизи "эмпирик тадқиқотлар ўтказиш" деган жавобни

#### Сиз одатда талабаларнинг мустақил ишларини қандай усул ва шаклларда ташкил этасиз?




берган.

Натижалардан кўриш мумкинки, профессор-ўқитувчилар асосан мустақил ишларни реферат ва тақдимот слайдлари кўринишида ташкил этадилар ва бу талабалар берган жавобларга деярли мос келади.

**"Талабаларнинг мустақил ишини баҳолашда асосан қайси мезонларга таянасиз?"** деган бир нечта жавобни белгилаш имкони берилган саволга респондентларнинг 56,6 фоизи "Мавзуни чуқур ўзлаштирганлиги", 56,2 фоизи "ижодкорлиги ва креативлиги (фикарлашнинг ўзига хослиги, муқобил ечимларни таклиф қила олиши)", 51,1 фоизи "ишининг сифати

#### Талабаларнинг мустақил ишини баҳолашда асосан қайси мезонларга таянасиз?



(мавзунинг долзарбилиги, имловий, стилистик ва бошиқа хатолардан холилик, моҳиятнинг очиб берилганлиги)", 35,5 фоизи "оригиналлик (плагиатдан холилик, мустақил ёндашувга ва хуносага эга бўлиш)", 23,4 фоизи "ишининг тўғри расмийлаштирилиши (белгиланган шаблонларга мувофиқлик)", 23,2 фоизи "кўргазмавийлик ва нотиқлик", 11,5 фоизи "ишининг ҳажми" деб жавоб берган.

Демак, профессор-ўқитувчилар талабаларнинг мустақил ишларини асосан мавзуни чуқур ўзлаштирганлиги, ижодий ва ўзига хос ёндашувга эгалигига кўра баҳолайдилар.

#### Мустақил таълимни амалиёт билан қандай үйгүнлаштирасыз?


Асосан назарий масалалар бүйича вазифалар бераман	566 (52 %)
Кичик амалий пошихалар шаклида вазифалар бераман	450 (41,4 %)
Индивидуал тарзда бажариладын кейіс ва казусли вазифалар орқали	406 (37,3 %)

Навбатдаги “Мустақил таълимни амалиёт билан қандай үйгүнлаштирасыз?” деган саволга 54,5 фоиз респондент мустақил ишларни амалиёттә boglamasdan, асосан назарий масалалар бүйича вазифалар berish орқали tashkil қилишини таъкидлаган. 38 фоиз респондент кичик амалий лойиҳалар шаклида вазифалар berish орқали, 34,8 фоизи эса индивидуал тарзда бажариладын кейіс ва казусли вазифалар berish орқали үйгүнлаштиришини таъкидлаган.

Натижалардан англаш мүмкінки, профессор-ўқитувчиларнинг ярмидан кўп мустақил таълим топширикларини амалиёт билан боғламасдан, фақат назарий масалалар бүйича беради.

“Мустақил таълимга тайёргарлик учун ўзингиз қанча ҳажмда китоб, материал ўқыйсиз?” саволига профессор-ўқитувчиларнинг 40,4 фоизи “бир ойда 1 та китоб ва 1-2 та илмий мақола”, 31,1 фоизи “бир ойда 2 та китоб ва 3-4 та мақола”, 14 фоизи “бир ойда 3 та китоб ва 5-6 та мақола”,

#### Мустақил таълимга тайёргарлик учун ўзингиз қанча ҳажмда китоб, материал ўқыйсиз?



11,7 фоизи “бир ойда 4 тадан ортиқ китоб ва 7-8 та мақола” деган жавобни берган бўлса, 2,9 фоизи эса аниқ жавоб бера олмаслигини билдирган.

Демак, профессор-ўқитувчиларнинг аксарияти бир ой давомида 1 та китоб ва 1-2 та илмий мақола ўқыйди. Ҳар тўққизта педагог-ходимнинг фақат биттаси адабиётлар билан ишлашда ўртача даражадан юқорироқ бўлган фаолликни намоён этади.

Кейинги савол профессор-ўқитувчиларнинг янги адабиётлар билан ишлаш фаоллиги бўйича ўзини ўзи баҳолашга қаратилди. “Ўзингизнинг янги адабиётлар билан ишлаш бўйича фаоллигинизни қандай баҳолаган

**Ўзингизнинг янги адабиётлар билан ишлаш бўйича  
фаоллигингизни қандай баҳолаган бўлар эдингиз? (10 баллик шкала  
бўйича баҳоланг)**



**бўлар эдингиз?**" деган саволга **21,6** фоиз респондент "аъло", **44,1** фоизи "яҳши", **25,1** фоизи "қониқарли", **9,1** фоизи эса "қониқарсиз" деган жавобни берган.

Маълум бўлмоқдаки, 65 фоиздан кўпроқ профессор-ўқитувчи ўзларининг янги адабиётлар билан ишлаш фаолигини юқори баҳолайди. Ҳар ўн битта профессор-ўқитувчидан бири бу борада ўз фаолиятидан қониқмайди.

**Тадқиқот натижасида талабаларнинг аудиториядан ташқарида амалга оширадиган мустақил ишларини ташкил этиш ва назорат қилиш билан боғлиқ қуидаги ижобий жиҳатлар кузатилди:**

- талабалар орасида мустақил ишларни турли амалий лойиҳалар ҳамда кичик тадқиқотлар шаклида бажаришга қизиқиш анча юқори. Талабаларнинг қарийб 60 фоизи ижодий ҳамда эвристик фаолиятни устувор ҳисоблайдилар, агар етарли шароитлар яратилса, бу яқин истиқболда жамиятнинг илмий ҳамда инновацион ривожланиши учун кучли рағбат бўлиб хизмат қилиши мумкин;

- профессор-ўқитувчиларнинг ярмидан кўпи талабалар мустақил ишини асосан чуқур билимга эгалик, ижодкорлик ҳамда мустақиллик мезонлари асосида баҳолайдилар. Бу талабаларнинг мустақил ишидан кутилаётган муҳим компетенцияларни аксарият ўқитувчилар томонидан тўғри англаб олинаётганидан дарак беради;

- аксарият ўқитувчилар (қарийб 63 фоизи) талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларни бажаришларида улар билан мунтазам алоқада бўлиб, зарур маслаҳат ҳамда ўйл-йўриқлар бериб бормоқдалар. Бу талабанинг мустақил ўқиб-ўрганишидаги мавжуд камчиликлар ҳамда нуқсонларни вақтида бартараф этиб бориш имконини беради ҳамда талабанинг мустақил фаолиятга мослашишини осонлаштиради;

- кўпчилик талабалар профессор-ўқитувчиларнинг аудиториядан ташқари мустақил таълимни ташкил этишини ижобий баҳоламоқдалар. Ҳар тўртта талабанинг учтаси бу борадаги фаолиятга "аъло" ва "яҳши" баҳосини бермоқда. Ҳар 12 та талабадан биригина жорий ҳолатдан

қониқмаётганини билдирган, холос. Албатта, бу субъектив баҳолашдан келиб чиқилған натижә, масалага объектив ҳолатда қаралса, натижалар ўзгача бўлиши ҳам мумкин;

– деярли ҳар бешта талабадан тўрттаси профессор-ўқитувчилар томонидан аудиториядан ташқари мустақил ишларга кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини таъкидламоқда. Улар мустақил таълимнинг аҳамиятини тушунган ҳолда, профессор-ўқитувчилардан бу борада янада фаоллик кўрсатишни кутишади. Талабалар томонидан қўйилаётган бундай талаб профессор-ўқитувчиларнинг мустақил таълим бўйича малакаларини мунтазам ошириб боришлари ҳамда янги тажрибаларни ўзлаштиришлари зарурлигини кўрсатмоқда.

**Юқоридаги ижобий кўрсатиличлар билан бирга, қуийдаги айрим камчиликлар, муаммолар, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам мавжудлиги аниқланди:**

– талабаларга аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил иш топшириқларини беришда асосан слайд ҳамда рефератлар кўринишидаги топшириқлар билан чекланиб қолинмоқда. Масалан, талабаларнинг ярмидан кўпі мустақил ишни тақдимот слайдлари кўринишида топширадилар. Бироқ одатда тақдимот слайдлари бирор кичик тадқиқот ёки груп, лойиҳаларининг ҳисоботи шаклида яратилиши керак. Мавжуд ҳолатда эса бажарилаётган слайдлар тадқиқотчилик фаолиятидан узилиб, спекулятив характеристерда бўлиб қолганлиги маълум бўлмоқда. Талабани изланишга, креатив ва танқидий фикрлашга ундовчи мустақил таълим технологияларидан фойдаланиш эса қониқарли даражада эмас;

– талабалар мустақил ишини назорат қилишга илмий асосда ёндашилмаяпти. Ўқув режаларида аудитория соатларига нисбатан аудиториядан ташқари мустақил таълимга кўпроқ вақт ажратилаётганига қарамасдан, кўпинча бу вақт талабалар томонидан ўқув фаолиятидан ташқаридаги “бўш вақт” сифатида қабул қилинмоқда. Бунда аудиториядан ташқари мустақил таълимнинг соатлари ҳафталик кесимда режалаштирилмаётгани ва назорат этилмаслиги, рағбатлантириш чораларининг етарли эмаслиги асосий ўрин тутяпти. Сўровда иштирок этган талабаларнинг 22 фоизи мустақил ишлар баҳосининг умумий баҳога қўшилмаётгани, қарийб 25 фоизи эса баъзи ўқитувчиларгина умумий баллга қўшаётганини таъкидлагани ҳам мустақил ишларни рағбатлантириш суст даражада эканини кўрсатади;

– талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларни бажаришида ОТМ ахборот-ресурс марказининг ўрни ниҳоятда заиф бўлмоқда. Талаба мустақил ўқиб-ўрганиш, изланувчилик ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини асосан кутубхоналарда олиб бориши керак. Бироқ сўровдан



маълум бўлмоқдаки, 26 фоиз талаба кутубхонага аъзо эмас, қарийб 33 фоиз талаба эса кутубхонага умуман бормайди. Бор-йўғи 8 фоиз талаба ҳар куни дарсдан сўнг кутубхонада мустақил ишларни бажаради. Бу ҳолат кутубхоналарда хизмат кўрсатиш қониқарли даражада эмаслигидан далолат беради;

— аудиториядан ташқари мустақил ишларни бажаришда талabalар томонидан плагиат ва ўзлашириш ҳолатлари кенг тарқалган ҳодиса бўлиб қолмоқда. Ҳар тўрт талабадан бири академик ҳалоллик қоидасини бузишини тан олмоқда. Реал ҳолатда бунинг эҳтимоли анча кўпроқ бўлиши ҳам мумкин. Мазкур ҳолат ОТМларда профессор-ўқитувчилар томонидан талabalарга академик ҳалоллик борасида етарлича тушунтириш ишлари олиб борилмаётгани ҳамда мустақил ишларни антиплагиат дастурлари орқали текшириш амалиётининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Мустақил ишларни ҳанузгача қўллэзма шаклда қабул қилиш амалиётининг сақланиб қолганлиги ҳам мазкур муаммони янада чуқурлаштирумояд;

— талabalарнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларини ташкил қилишда “босқичма-босқич соддадан мураккабга қараб бориш” тамойилига амал қилинмаяпти. Талаба дастлабки курсларда фақат ўқув адабиётлари билан ишлаши керак, юқори босқичларда эса илмий тадқиқотлар ва лойиҳа ишларига жалб этилиши мақсаддага мувофиқ. Мустақил ишларнинг ташкил этилишида мана шу механизм ишламаяпти. Шу билан бирга, мустақил иш мавзуси ҳамда усулини танлашда талабанинг қобилияtlари

ва қизиқышлари ҳисобга олинмаяпти. Одатда бутун курс талабалари стандарт мустақил ишларга жалб этилиб, бунда индивидуал ёндашув күзга ташланмаяпти;

— профессор-ўқитувчиларнинг ярмидан кўпи мустақил ишларни ўқув курсининг фақат назарий масалалари билан чекланган ҳолда ташкил этмоқда. Назарий билимларни амалиёт билан боғлаш, талабада реал амалий муаммолар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш қониқарли ҳолатда эмас. Аксарият профессор-ўқитувчиларнинг ўзларида ҳам ўқув курси предметини амалий муаммолар билан боғлай олиш компетенцияси заиф бўлиб қолмоқда. Бунда ОТМларнинг аксариятида лаборатория хоналарининг етишмаслиги ва мавжуд жиҳозларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан эскирганлиги, шу билан бирга, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) марказларида талабалар мустақил ишларини амалиёт билан боғлаб ташкил этиш борасидаги илфор тажрибаларнинг етарли дараражада оммалаштирилмаётгани ҳам сабаб бўлмоқда;

— профессор-ўқитувчиларнинг янги илмий манбалар билан ишлаш фаоллиги паст дараражада қолмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда илмий ва инновацион бўшлиқларни юзага келтиради. Профессор-ўқитувчиларнинг деярли ярми бир ойда 1 та илмий китоб ва 1-2 та мақола билан танишиб чиқишини маълум қиляпти. Бу ҳар ойда 2-3 та илмий китоб ва 6-7 тадан кам бўлмаган илмий мақолалар билан танишиш қониқарли ҳолат сифатида қараладиган жаҳоннинг нуфузли университетларидан анча паст дараражани намоён этмоқда. Шундай бўлса-да, ҳар 11 та профессор-ўқитувчидан фақат биттасигина ўзининг илмий адабиётлар билан ишлаш фаоллигини қониқарсиз баҳолайди. Аксарият профессор-ўқитувчилар бу борада ўзларига юқори баҳо беряпти ва бу уларнинг ўз устида мунтазам ишлашларига тўсиқ бўлмоқда.

## ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Талабалар мустақил таълим мини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича илғор хорижий тажриба ҳам ўрганилди. Ўрганишлардан маълум бўлишича, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)га аззо мамлакатларда ОТМ талабаларининг ўқиш фаолияти кунлик ва ҳафталик вақт меъёрлари бўйича меҳнат қонунчилигига мувофиқ белгиланган. Талабалар беш кунлик иш ҳафтасида 40 соатгача ўқишлари мумкин. Бу кунлик дарс юкламаси 8 соатдан ошмаслиги зарурлигини англатади. Ўқув юкламаси ҳам, ўз навбатида, аудитория соатлари ва аудиториядан ташқари мустақил ишларга ажратилган соатлардан иборат. Одатда аудитория ва аудиториядан ташқари дарс соатлари бакалавр таълим дастурида 1:2, магистратурада эса 1:3 нисбатни ташкил этади. Бу бир аудитория соати икки ёки уч соатлик аудиториядан ташқари мустақил ишлар билан қўллаб-қувватланиш зарурлигини англатади. Демак, бир ўқув курсига ажратилган кредит микдори 10 га teng бўлса, аудитория соатларининг ўзи ўртacha 3 ёки 4 кредитни ташкил этади. Қолган 6 ёки 7 кредит аудиториядан ташқари мустақил ишларга ажратилади. Талаба бир ҳафта давомида ўртacha 10-15 соат аудитория дарсларида, 25-30 соат аудиториядан ташқари мустақил ишлар билан банд бўлади.

АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларидаги университетларда талабаларнинг мустақил ишларига узлуксиз таълим минг муҳим таркибий элементи сифатида қаралмоқда. “Умр давомида таълим” тамойилининг амалиётга кенг жорий қилиниши университетлардаги аудитория соатларининг қисқариши ҳамда талабаларнинг аудиториядан ташқари ўқув юкламаларининг ортишига олиб келди. Бу, бир томондан, профессор-ўқитувчилар фаолиятини “ўқитиш”дан кўра кўпроқ “ўргатиш”га томон йўналтиrsa, иккинчи томондан эса талабаларнинг касбий ўзини ўзи такомиллаштиришга бўлган масъулиятининг ортишига туртки берди. Илк бор АҚШ ва Буюк Британия университетлари бошлаб берган мазкур тажриба ҳозирга келиб дунёning бошқа иқтисодий



ривожланган мамлакатлари ОТМлари томонидан идеал намуна сифатида ўзлаштирилмоқда.

АҚШ колледжлари ва университетларида талабалар аудиториядан ташқаридан катта вақт захирасига эга бўладилар. Бу уларга мустақил ишлар: семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш, қўшимча адабиётлар билан ишлаш, иншо, реферат, курс ва диплом лойиҳалари устида ишлаш, кичик амалий тадқиқотлар олиб бориш, ҳисоботлар тайёрлаш ва бошқа тадқиқотчилик ишларини олиб бориш имконини беради. Талабаларнинг мустақил ишларида илмий тадқиқот фаолияти муҳим ўринни эгаллади. Талабалар ўқув лабораторияларида профессионал олим методикасидан фойдаланган ҳолда, жиддий илмий лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиладилар.

АҚШ университетларида талабалардан ўқишининг дастлабки даврларидан бошлаб семестр давомидаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқиш фаолиятини қатъий режалаштириш ва вақтни тўғри тақсимлаш талаб этилади. Аксарият университетларда аудитория ва мустақил ишларнинг тахминий нисбати 1:2 ни ташкил қиласди. Бу шуни англатадики, ҳафталик иш юки 40 соат бўлса, аудитория машғулотлари (маъруза ва семинарлар) атиги 12-15 соатни ташкил қиласди. Талабалар беш кунлик иш ҳафтасида кунига иккитадан ортиқ синф машғулотларига қатнашмайди. Одатда бир семестрда 5 тагача ўқув курслари ўтилади, шундан 3 таси мажбурий, 2 таси танлов фанларидан иборат бўлади. Умумий курсларнинг бундай паст зичлиги ва аудитория соатларининг кичикроқ ҳажми талабалар учун мустақил ишлар билан жиддийроқ шуғулланиш имконини беради.

Талабалар факультет олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида фаол иштирок этадилар, бу фаолият эса дипломда университетнинг илмий фаолиятида қатнашиш соатлари сифатида акс эттирилади. Талабаларнинг тадқиқотчилик кўнилмаларини шакллантириш семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш жараёнида ҳам содир бўлади, бу эса энг янги илмий тадқиқотларга оид маълумотлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган кўп соатлик ижодий ишларни талаб этади.

АҚШ ва Британия университетларида (масалан Гарвард ва Оксфорд) талабалар мустақил иши мураккаблик даражасига кўра курсдан-курsga томон ўсиб боради. Масалан, биринчи курсда талабалар асосан ўқув адабиётлари билан ишлайди. Ҳар бир ўқув курсининг фан дастури (силлабус) да 1 та асосий ва 2-3 та қўшимча адабиётлар тавсия этилади. Талабаларнинг мустақил ишлари ҳам асосан мана шу тавсия этилган адабиётларни

шархлаш, маъруза матни тайёрлаш, луғат тузиш ёки 1-2 саҳифали эссе ёзиш кўринишида амалга оширилади.

**Иккинчи курсда** талабалар замонавий илмий тадқиқотлар билан танишишга жалб этилади. Даврий нашрларда эълон қилинган илмий мақолаларни ўқиб чиқищ, ундаги асосий тезисларни ажратиб олиш, исботлаш усулларини аниқлаш, бошқа тадқиқот ишлари билан қиёслаш каби вазифалар берилади. Бажарилган мустақил ишлар семинар дарсларида муҳокама этилади.

**Учинчи курсда** талабалар тадқиқот ишлари ёки кичик гурӯҳларда бажарилувчи амалий лойиҳаларга жалб этилади. Одатда бу ишлар илмий мақола ёки лойиҳа иши тақдимоти кўринишида амалга оширилади. Ҳар ҳафтада бир марта профессор-ўқитувчи билан келишилган учрашув жадвалига кўра мустақил ишлар бўйича маслаҳатлар олиб борилади.

**Тўртинчи курсда** талабалар индивидуал тарзда тадқиқот ва лойиҳа ишларини бажарадилар. Бу курсда бажариладиган асосий мустақил иш диплом лойиҳаси ҳисобланади. Диплом лойиҳасининг муваффақиятли бажарилишида талабанинг шу вақтгача орттирган мустақил ишлаш тажрибаси муҳим роль ўйнайди.

АҚШ ва Британияда талабаларнинг мустақил ишларига салмоқли вақт ажратилиши қатъий назорат механизmlарини тақозо этади. Мустақил иш бажарилишининг белгиланган вақтдан бир кунга кечикиши 0,5 балл йўқотилишига олиб келади. Шунингдек, мустақил ишлар баҳоси балл сифатида умумий йиғилган балларда ўз ифодасини топади ва бу одатда якуний баҳонинг 10-15 фоизини ташкил этади. Якуний имтиҳонларда талабаларга тавсия этилган қўшимча адабиётлардан ҳам саволлар ёки тестларнинг киритилиши мустақил ишларни назорат қилишда муҳим роль ўйнайди.

Мустақил ишларни бажаришда плагиатга қўйл уриш ёки бошқаларга ишни бажартириш қатъий таъқиқланган. Бундай қилмиш содир этган талабалар ўқищдан четлаштиришгacha бўлган чоралар билан жазоланади. Бироқ шунга қарамай, жаҳоннинг нуфузли ОТМларида ҳам бундай ҳолатлар содир бўлиб туради. Масалан, Австралия университетларида олиб борилган тадқиқотлардан мъълум бўлдики, талабаларнинг 8-11 фоизи бошқа бирор томонидан бажарилган ишларни топширади. Бошқа бир тадқиқотга кўра, дунё миқёсида талабаларнинг қарийб 16 фоизи мустақил ишларни ёздириш учун бошқа шахсларга пул тўлашларини тан олишган. Академик ҳалоллик тамоилии барча нуфузли ОТМларнинг “Ахлоқ кодекси”дан жой олган ва бу қоидани бузган ҳар қандай профессор-ўқитувчи ҳам, талаба



ҳам университетнинг ахлоқий масалалар билан шуғулланувчи комиссияси томонидан интизомий жавобгарликка тортилади.

Аксарият университетлар бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун қатор инновацион чораларни ишлаб чиққанлар. Масалан, АҚШдаги Жоржтаун ва Хитой Халқ Республикасидаги Гонконг университетлари тажрибасида талабалар мустақил ишни топшириш вақтида академик ҳалоллик қоидаларига амал қиласынан түркесида декларация имзолайдилар. Бунда талаба плагиатга қўй уриш қандай чоралар билан жазоланиши мумкинлигидан огоҳлантирилади ва бу ҳақда хабардор этилганлигини шахсий имзоси билан тасдиқлайди. Қарши чоралар орасида огоҳлантириш ва маҳсус ахлоқий курсларни мажбуран тинглашдан тортиб талабалар сафидан чиқарилишгача бўлган жазолар ўрин олган. Мазкур олий таълим муассасаларида плагиат масалалари билан шуғулланувчи маҳсус комиссия мавжуд. Талабанинг ишида плагиат аниқлансан, ўқитувчи бу ҳақда тегишли комиссияга хабар бериши шарт ва комиссия бу ишни кўриб чиқади. Баъзи ҳолларда талаба плагиат учун ўқишидан четлатилиши мумкин, аммо агар у кичик ёки эҳтиётсизлиқдан қўй урилган плагиат бўлса, у ҳолда талаба илмий ишнинг ахлоқий асослари ва стандартларини ўргатадиган маҳсус курсга юборилиши мумкин.

АҚШ ва Ғарбий Европанинг аксарият университетларида профессор-ўқитувчилар ўзлари ҳамда университетнинг нуфузига доғ тушмаслиги учун талabalarning мустақил ишларини текширишда плагиатни аниқловчи [www.turnitin.com](http://www.turnitin.com) веб-сайтидан фойдаланадилар. Ҳар бир талаба профессор-ўқитувчининг талаби билан мазкур сайт орқали рўйхатдан ўтади ва бажарган мустақил ишларини антиплагиат текширувидан ўтказади. Профессор-ўқитувчи текширув натижаларига кўра, мустақил

ишининг оригиналлигини баҳолайди. Агар ишда плағиат аниқланса, иш огоҳлантириш билан қайтарилади. Бу чора талабалар хато бўлса ҳам, фақат ўз фикрларига таяниши зарурлигини эслатиб туради.

Талабаларнинг мустақил ишларини самарали ташкил қилиш ва назорат қилишда ОТМ ахборот-ресурс марказларининг ўрни ниҳоятда муҳим. Чунки талабалар аудиториядан ташқари мустақил ишларини бажаришида зарур адабиётларга эҳтиёж сезади. Шу боисдан ҳам АҚШ ва Британиядаги кўплаб университетлар ўз кутубхоналарини муттасил замонавийлаштириб, унинг функцияларини кенгайтириб бормоқда. Бу мамлакатлардаги аксарият университетларда кутубхоналар узлуксиз 24 соат давомида фаолият юритади.

АҚШ ва Британиядаги университет кутубхоналарида қатъий тартиб-интизомга риоя қилинади. Талабаларнинг интенсив ўқишлари учун маҳсус "сукунат ҳудудлари" тақдим этилади, бу ерда ўзаро гаплашиш мумкин эмас. Масалан, Британиядаги Манчестер университети кутубхонасида ҳатто қисқа муддатга ухлаб олиш учун кичик хоналар ҳам мавжуд. Гурӯҳ лойиҳалари учун алоҳида хоналар, доска ва проекторли оғислар ҳам ташкил этилган. Китоблар ва илмий журналлар университет ўқиш давомида ёрдам сифатида таклиф қиласидан ягона нарса эмас. Талабалар бу ерда электрон оммавий ахборот воситалари тўпламларига, дарслкларнинг онлайн нусхаларига, бир неча электрон кутубхоналарга, маълумотлар базаларига бепул обуна бўлишлари мумкин. Агар талаб қилинаётган нашр университетда топилмаса, уни бошқа университет кутубхонасидан буюртма қилиш мумкин. Университетлар кўпинча талабаларнинг талабига кўра кўпроқ китоб сотиб олади: китоблар фонди шу тарзда эскирмайди ва тегишли адабиётлар билан тўлдириб борилади.

Кутубхона ходимлари керакли манбаларни топишда ёки иқтибослар ва манбалар рўйхатини умумий қабул қилинган стандартлардан бирига мувофиқ тўғри тартибга солишга ҳам кўмак беради. Иқтибослардаги хатолар туфайли талабалар мустақил ишларида балл йўқотиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун кутубхоналарда йилига бир неча марта маҳсус семинарлар ўтказилади. Консультацияда талабага электрон каталог ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш ўргатилади.

Университет кутубхоналарининг модернизациялашуви Британиядаги талабаларнинг кутубхоналарга ташриф буюриш фаоллигини юқори дарражада ушлаб турибди. Ҳатто Европанинг Германия ва Франция каби ривожланган давлатларида талабаларни кутубхоналарга жалб қилиш қийинлашиб бораётган бир вақтда Британия университетлари кутубхоналарнинг функцияларини кўпайтириш ва кўплаб хизмат турларини ин-

теграция қилиш әвазига талабаларнинг мунтазам кутубхона билан алоқасини таъминламоқда. Шунинг учун ҳам қатор тадқиқотлар натижалари Британияда университет талабалари ҳафтасига ўртача 14-15 соат кутубхонада вақт ўткизишини кўрсатмоқда. Бу миқдор Европанинг бошқа мамлакатларида, масалан, Германия, Франция ва Италияда 10-12 соатни ташкил этади. Демак, хулоса қилиш мумкинки, Европада ОТМ кутубхоналири талабаларнинг мустақил ўз устларида ишлашларида муҳим воситачилик ролини сақлаб қолиш учун замонавий талабларга мослашиш йўлидан бормоқда.

АҚШ ва Европа олий таълимида талабалар мустақил ишини қўллаб-қувватловчи ва бу борада талабаларга амалий кўмак берувчи бошқа институционал тизимлар ҳам мавжуд. Масалан, **тыюторлик хизмати** академик ёрдам хизматларини таклиф қилувчи муҳим тузилмадир. Асосан бу хизмат тури АҚШ ва Британиядаги университет ва коллежларда юқори даражада тараққий этган. Бу давлатлардаги университетлар талабаларга бепул ва пулли академик ёрдам кўрсатувчи хизматларни тақдим этадилар. Масалан, университетларда тыюторлар академик мураббийлар сифатида талабаларга вақтни самарали бошқариш, мустақил ишларни амалга ошириш, зарур ўқув ва илмий манбаларни қидириб топиш, имтиҳонларга тайёргарлик кўриш, умуман, ўқув курсларини маваффақиятли ўзлаштиришларида зарур йўл-йўриқ ҳамда маслаҳатларни бериб боради.

Айниқса, талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларини амалга оширишда тыюторларнинг ҳафтасига бир соат 4-5 кишилик гурухларда маслаҳат курсларини олиб бориши муҳим аҳамият касб этади. АҚШдаги Канзас университетидаги тадқиқотларга кўра, талабаларнинг 85 фоизи академик муваффақиятга эришишида тыюторлик хизматининг ўрни юқори бўлганини эътироф этишган. Бунда бепул тыюторлик хизматлари билан бирга, пуллик хизматларнинг ҳам ташкил этилиши дикъатга сазовор. Масалан, АҚШнинг Оғайо штатидаги Райт (таниқли самолёт ихтириочилари ака-ука Райтлар номига қўйилган) **университетида** академик муваффақият марказлари ҳафтасига бир соат бепул курсларни таклиф этади. Қўшимча курслар эса пулли бўлиб, ундан асосан дарсларни ўзлаштиришда кўпроқ қўйинчиликларга дуч келаётган, мустақил ишларни бажаришда етарли кўникмага эга бўлмаган талабалар фойдаланишади. Курслар белгиланган вақтларда онлайн тарзда ҳам олиб борилади. Бундай академик хизматлар АҚШ ва Британия университетларида кенг тарқалган. Сўнгги йилларда Германия, Франция ва бошқа Ҷарбий Европа давлатларда ҳам пулли академик хизматларни ташкил этишга қизиқиш ортиб бормоқда.



Умуман, ОТМларда талабалар мустақил ишини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш борасидаги илғор хорижий тажрибада қуиидаги ижобий жиҳатлар яққол ажралиб туради:

- аудитория соатларига нисбатан аудиториядан ташқари мустақил ишларга күпроқ вақт ажратиласы. Бу одатда бутун ўқув юкламасининг ўртача 65-70 фойзини ташкил этади. Таълим жараёнида “ўқитиш”дан кўра “ўргатиш” тамоилили кўпроқ устуворликка эга;
- бир семестрда талабалар бештадан кўп бўлмаган ўқув курсларини ўзлаштирадилар. Бу эса ҳар бир фан доирасида аудиториядан ташқари мустақил ишларга кўпроқ вақт ажратишга имкон беради;
- мустақил ишларни ташкил этишда “иерархик тарзда соддадан мураккабликка томон” тамоилиига амал қилинади. Бошланғич курсларда талабалар асосан дарслерлар ва ўқув қўлланмалар билан ишласа, юқори босқичларда эса тадқиқотчилик фаолиятига жалб этилади;
- аудиториядан ташқаридан бажариладиган мустақил ишлар қатъий назорат механизмлари орқали назорат қилиб бориласди. Мустақил ишлар семинар дарсларида муҳокама қилинади, оралиқ назоратлар ҳамда якуний имтиҳонларда ҳам мустақил ўқиш учун тавсия этилган адабиётлардан саволлар қўйиласди. Бундай адабиётлар одатда 2-3 тадан кўп бўлмайди. Мустақил ишлар натижаси умумий баҳода акс эттириласди;
- мустақил ишларни назорат қилишда академик ҳалоллик тамоилиига қатъий риоя қилинади. Ишлар одатда антиплагиат дастурлари орқали

текширувдан ўтказилади. Ўзлаштирилган ва кўчирилган ишлар қатъий интизомий чоралар билан қарши олинади. Мустақил ишларда ижодийлик, мустақил ҳамда танқидий-таҳлилий фикрга эга бўлиш асосий мезон сифатида қабул қилинади;

– талабаларнинг мустақил ишлашлари учун зарур шароитларни яратишга катта эътибор қаратилади. Университет кутубхоналари бунинг учун узлуксиз иш режимида фаолият олиб боради. Аксарият кутубхоналар заруратдан келиб чиқиб озроқ ухлаб олишга имкон берувчи шароитларга эга. Кутубхоналарда юқори профессионал ходимлар фаолият олиб боради ва зарур ҳолатларда улар талабалар учун мустақил ишларни бажаришларида академик консультацияларни амалга оширади;

– бепул ва пулли тыюторлик хизматлари талабалар учун мустақил ишларни бажаришларида зарур академик ёрдам кўрсатади. Эссе, тезис, реферат, курс иши, мақола, амалий лойиҳа, диплом лойиҳаси каби академик ишларни ёзиш қоидалари, керакли адабиётларни излаб топиш, илмий тадқиқот методологияси, иқтибослардан фойдаланиш каби масалаларда тыюторларнинг маслаҳатлари муҳим аҳамият касб этади.

## ТАВСИЯЛАР

Олий таълимда талабаларни мустақил фаолиятга йўналтириш фагатгина ўқитиш жараёни билан боғлиқ масала эмас. Буни юқоридаги тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлиллари ҳам кўрсатиб турибди. Бу кўплаб омилларга, хусусан, профессор-ўқитувчиларнинг компетенциясига, илфор педагогик технологияларга, ўқув юкламасига, ахборот таъминотига, академик хизмат кўрсатиш салоҳиятига, назорат қилиш механизмлари ва бошқа жиҳатларга ҳам боғлиқ масала. Шу боисдан ҳам бўлғуси кадрларнинг замон талабларига муттасил тарзда мослашиб бориши, уларни тараққиётнинг чинакам драйверларига айланиши олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил ишларини самарали ташкил қилиш ҳамда назорат қилишга комплекс ёндашишни, бу борада хорижий тажрибанинг илфор ютуқларидан ижодий фойдаланишни талаб этади. Биз юқорида бунинг айрим жиҳатларини кўрсатиб ўтдик.

Шунингдек, олий таълимни янги сифат босқичига олиб чиқиш ҳар бир олий таълим муассасаси раҳбариятига ўзида мавжуд бўлган муаммоларни илмий асосда ўрганиш, таҳлил этиш ва тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифасини қўяди. Биз мазкур тадқиқотда Республикадаги давлат мулкчилиги асосида фаолият юритаётган олий таълим муассасаларида талабаларни мустақил фаолиятга тайёрлаш жараёнини умумий ҳолатда тадқиқ этдик. Бироқ ҳар бир олий таълим муассасаси ўзига хос шарт-шароитга ҳамда фаолият йўналишига эга. Шу боисдан ҳам бизнинг ўрганишларимиздан ташқарида қолган баъзи ўзига хос жиҳатлар ҳам борки, улар алоҳида ҳолатда айрим олий таълим муассасаларининг таълим сифатига салбий таъсир кўрсатаётган бўлиши мумкин. Ўз навбатида, ушбу муаммолар ҳар бир олий таълим муассасасида ўзига хос чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишни ҳам тақозо этади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мазкур масала юзасидан олий таълим муассасаларига қўйидаги таклиф ва тавсияларни келтиришимиз ўринли:

1) талабаларнинг ўқув юкламасини янада оптималлаштириш зарур. Ўқув режага бир семестрда кўпи билан бештагача ўқув курсини киритиш, унда учта ёки тўртта асосий фан ва битта ёки иккита танлов фанга ўрин ажратиш керак. Чунки амалдаги ҳолатда ўқув курслари бир семестрда 7-8 тани ташкил этмоқда ва бу талабаларнинг ҳар бир ўқув курси бўйича мустақил ишларни сифатли амалга оширишларида, мутахассисликка оид зарур билимларни чуқур ўзлаштиришларида тўсиқ бўлмоқда;



2) мустақил ишларни ташкил қилишда компетенцияларни соддадан мураккабга томон босқичма-босқич шакллантириб боришга эътибор қаратмоқ керак. Бунда талабаларни ўқув фаолиятининг дастлабки йилларида дарслик ва ўқув қўлланмалар билан ишлашга, кейинчалик эса тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш лозим. Фан дастурлари (силлабус)нинг мустақил ишларни ташкил қилиш қисми ушбу тартибга мувофиқ бўлиши керак;

3) талабалар мустақил ишини назорат қилишнинг таъсирчан механизmlарини жорий қилиш керак. Бунинг учун аудиториядан ташқарида амалга ошириладиган мустақил ишларга ажратиладиган балл (баҳо)лар улуши аниқ белгилаб қўйилиши, талаба бунинг натижасида нимага эришишини аниқ билиши зарур. Ҳозирда кенг тарқалган силлабусда тавсия этиладиган адабиётларнинг йирик рўйхати ўрнига зарур ва ихчам (1-2 та асосий ва 2-3 та қўшимча) адабиётларни тавсия қилиш, оралиқ ҳамда якуний назоратларда ушбу адабиётлар доирасидаги савол (ёки тест)ларни киритишига эътибор қаратиш лозим;

4) талабаларнинг ёзма равишда бажарадиган мустақил ишлари (эссе, тезис, реферат, мақола, курс иши, диплом иши)ни антиплагиат дастурлари орқали мунтазам текшириб бориш амалийетини жорий қилиш, мустақил ишларни ОТМ сайтига алоҳида факультетлар кесимида жойлаштириб бориш, талабалар орасида академик ҳалолликка қаратилган тарғибот ва тушунтириш ишларини кучайтириш, ҳар бир ОТМда



плағиат масалалари бүйича комиссиялар фаолиятини ташкил қилиш ва академик ҳалоллик қоидаларини бузган талабаларга нисбатан интизомий чораларни қатъйлаштириш зарур;

5) ОТМ ахборот-кутубхоналарини узлуксиз иш режимига ўтказиш, ҳеч бўлмаганда, ҳар сессия арафасида бундай режимда ишлаш амалиётини жорий қилиш, кутубхоналардан масофадан фойдаланиш имкониятини ошириш, бунда нуфузли кутубхоналарнинг адабиётлар фондидан фойдаланишини йўлга қўйиш, ахборот-кутубхона маркази ходимлари таркибини профессионаллаштириб бориш ҳамда кутубхоналар қошида талабалар учун жадвал асосида академик консультациялар ва семинарларни ташкил қилиш керак;

6) ОТМларда фаолият олиб бораётган тьюторларнинг фаолиятида талабаларнинг мустақил ишларидаги амалий иштирокини кучайтириш, бунинг учун тьюторларнинг илмий салоҳиятига алоҳида эътибор қаратиш, уларни зарур услубий қўлланмалар билан таъминлаш, агар эҳтиёж бўлса, ОТМларда пуллик профессионал тьюторлик хизматларини ташкил қилиш лозим;

7) педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) марказларида талабалар мустақил ишларини самарали ташкил этиш борасидаги илгор хорижий тажрибага асосланган малака ошириш курсларини киритиш зарур.

8) ҳар бир олий таълим муассасаси ўз имкониятларидан келиб чиқиб, таркиби мазкур муассасада фаолият олиб бораётган тажрибали профессор-ўқитувчилар ҳамда тадқиқотчилардан иборат бўлган таълим муаммолари билан шуғулланувчи, ўқитиш фаолиятидаги оғрикли нуқталарни аниқловчи ва раҳбариятга бу борада зарур илмий-амалий тавсияларни бериб борувчи маҳсус доимий ишчи гурухларни шакллантириши мақсадга мувофиқ. Бунда ишчи гуруҳ таркибига социологлар, иқтисодчилар, таълим менежменти бўйича мутахassisларнинг жалб этилиши муаммоларни комплекс ўрганишда юқори самара беради. Зеро, бундай амалиёт жаҳондаги кўплаб давлат олий таълим муассасалари тажрибасида ҳам мавжуд.

9) муассасада илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган магистрант ва докторантларга тадқиқот йўналишига мос тарзда мазкур олий таълим муассасасининг таълим сифатига алоқадор томонларини тадқиқ этишига йўналтириш, ҳаттоки бу борада ОТМнинг кичик грант-лойиҳаларини эълон қилиб бориши ҳам яхши натижаларга олиб келиши мумкин.

10) ҳар бир кафедрада тегишли йўналишлар бўйича таълим сифатини оширишга қаратилган хориж тажрибасини ўрганиш фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Унда юқори натижаларга олиб келаётган таълим технологиялари, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш усуллари ва назорат қилиш шакллари, ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлашни такомиллаштириш ва бошқа дахлдор масалаларни мунтазам ўрганиб бориш ҳамда кафедра фаолиятига татбиқ этиш ҳам таълим сифатини оширишда мухим омил бўлиши мумкин.

## **ХУЛОСА**

Мустақил таълим бўйича миллий ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб, қўйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

1. Юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири таълим сифати ва самарадорлигини оширишdir. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишинг замонавий усуслари, шакл ва воситалари, муаммоли ўқитиш, хусусан, мустақил ишнинг ноанъанавий методлари ҳам муҳим ўрин эгаллади.

2. Замонавий таълим жараёни талабаларга фақат билим бериш, уларда фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олинган билимлардан фойдаланиш бўйича ўқув қўнижмаларини шакллантиришдан иборат бўлмай, балки уларга мустақил билимларни қидириб топиш, ўзлаштириш шакллари, усувлари, воситаларини ўргатишдан иборат.

3. Талабаларда мустақил билимларини замон талабига мослаштириб бориш, маълумотлар оқими ичидан зарурларини ажратиб олиш ва маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш қобилиятларини шакллантириш сифатли кадрлар тайёрлаш жараёнининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

4. Кредит-модуль тизимида мустақил таълимнинг ўрни ва аҳамияти катта. Чунки ўқув режадаги мустақил таълим учун ажратилган кредитлар микдори аудитория соатига нисбатан катта. Бу бакалавр ва магистратура босқичларига ҳам тааллуқли. Шундай экан, мустақил таълимни мукаммал ташкил этиш кредит-модуль тизимининг асосий вазифаларидан биридир.

5. Мустақил таълимни олиб боришда бир томонлама ёндашувдан воз кечиш керак. Профессор-ўқитувчилар ўзлари ўтаётган фанлардан мустақил таълимни турии услубларда ташкил этиши лозим. Оммалашиб кетган эскича услублар мустақил таълимдан кўзланган мақсадга эришишни йўққа чиқармоқда. Талабалар хилма-хил топшириклар ва кичик тадқиқотлар асосида ўзларини ривожлантиришга қизиқтириш керак.

6. Мустақил таълимда имкон даражада кўпроқ адабиётлар билан ишлаш, амалга оширилаётган янги тадқиқотлар, назариялар ва янгиликлардан хабардор қилиб бориш, инновацион жараёнларни эркин ўзлаштиришга ўргатиш ҳар жиҳатдан муҳим. Бунинг учун профессор-ўқитувчи узлуксиз равишда ўтаётган фани бўйича янгиликларни умумлаштириб бориши ва талабаларга тавсия эта олиш даражасига эга бўлиши керак.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	3
Тадқиқот ва таҳлил.....	5
Хорижий тажриба.....	18
Тавсиялар.....	26
Хулоса.....	30

Үслубий нашр

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ:  
ТАДҚИҚОТ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА  
ТАВСИЯЛАР

*Методик құлланма*

Мұхаррір  
А.Тилавов

Мусаҳхиқ  
А.Абдужалилов

Сағифаловчи  
О.Исмаилов

Техник мұхаррір  
Н.Мирпұлатова

Нашлиц. № А1 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босиши  
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.  
Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,68.  
Нашр б.т. 1,0. Адади 250 нұсха. Буюртма №118.  
Бағоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» XК босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ күчаси, 100-үй.  
Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



# МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ: ТАДҚИҚОТ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ТАВСИЯЛАР



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА  
ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-9096-7-0



9 789943 909670